
Марғилон шаҳрида аҳолини бизнесга жалб қилиш бўйича Марғилон шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Д.Тўлқиновнинг МУРОЖААТИ Ассалому алайум, Ҳамшаҳарлар!

Шаҳримиз иш ўринларини ташкил қилишда қуйидаги молиявий инструментлардан фойдаланилади. Кредит маблағлари ажратишни ошириш орқали тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида тижорат банклари томонидан барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 2024 йилда тадбиркорлик лойиҳаларни амалга ошириш ва қўллаб-қувватлашга 600 млрд.сўмдан (2023 йилда 400 млрд.сўм) ортиқ кредит ресурс маблағлари йўналтирилади.

Шундан, Саноат тармоғига **270** млрд.сўм, Қишлоқ хўжалигига **80** млрд.сўм, Хизмат кўрсатиш соҳасига **250** млрд.сўмни ташкил қилади.

Бундан ташқари, тадбиркорлик қилиш истагидаги аҳолига **20,7 млрд.сўм “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш”** дастурлари доирасида имтиёзли кредитлар ва ишсиз ижтимоий дафтарларда турган фуқароларга **1,2 млрд.сўм** субсидиялар ажратилади.

Шаҳримизда фаолият кўрсатаётган 4 тижорат банклари ва бошқа тижорат банклари томонидан барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан **435 млрд. 860 млн.сўм**лик кредитлар ажратилди.

Шундан, “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш” дастурлари доирасида **1194** нафар аҳолига **16 млрд. 762** млн.сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди ва **1500** нафардан ортиқ ишсиз оила аъзоларининг бандлиги таъминланди.

Бизнесни ривожлантириш банки ҳисобидан ташаббускорларга ҳар бир маҳаллалардан камида биттадан лойиҳаларга гаров таъминотисиз **100 млн.сўм**гача кредит ажратиш режалаштирилган бўлиб, ҳозирги кунгача **56 та** маҳаллалардан (*маҳаллалардан 1 тадан – 6 тагача лойиҳалар*) **274 та** микролойиҳалар учун **28 млрд 403 млн** сўм миқдоридан кредитлар ажратилди. Шунингдек, йил якунигача ҳар бир маҳаллалардан камида **5-6 тагача** етказишни олдимишга мақсад қилиб олганмиз.

“Бизнесга биринчи қадам” дастури доирасида доимий даромадга эга бўлмаган ўзини-ўзи банд қилган жисмоний шахслар учун банклар томонидан **17 миллион сўмгача** бўлган миқдорда **648 нафар** фуқароларга **7 млрд 719 млн.сўм** кредитлар (*микрокредитлар*) ажратилди.

Ҳурматли Президентимиз ташаббуслари билан маҳаллаларда аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадини ошириш бўйича “Сайхунобод” ва “Уйчи” туманлари тажрибалари асосида иш олиб борилмоқда.

Шаҳарда **42 809** та хонадонлар мавжуд бўлиб, шу йилнинг март ойида ишчи гуруҳ томонидан хонадонбай ўрганиш натижасида хонадонларни **3 та** тоифаларга ажратиб олинди.

Яъни, **3 174** та хонадонлар жами хонадонларнинг **7,4** фоизи **қизил** тоифа, **25 971** та хонадонлар, **60,7** фоизи **сарик** тоифа ва **13 664** та хонадонлар, **31,9** фоизи **яшил** тоифани ташкил қилади.

“Сайхунобод” ва “Уйчи” туманлари тажрибалари бўйича қизил ва сарик тоифадаги ҳар бир маҳалладан **50 та** жами **2800** та хонадонлар танлаб олинган. Уларни йил якунигача 60-70 млн.сўмгача йиллик даромадини ошириш белгилаб олганмиз.

Бунда асосий эътиборни ҳар бир маҳалладан 1-босқичда **282** та, 2-босқичда **280** та оғир тоифадаги (даромади **1** млн.сўмдан кам), ишлашга иштиёқи бор **5-7** тадан жами **562** та хонадонлар танлаб олинди, ушбу хонадонларга кредит, субсидия ва хомийлик асосида (**3** талик пакет – тикувчилик, иссиқхона, чорвачилик ва бошқа йўналишларда) кўмаклар берилди.

Бунинг ҳисобига, **705 нафар** аҳолининг даромадли меҳнат билан бандлиги таъминланди. (*ишлаб чиқаришдан ҳамда томорқадан олаётган даромади 60-70 млн. сўмга, жон бошига ойига ўртача 1,5-2 млн сўмга етказилади*)

